КПСС XXV съездини муносиб кутиб олайлик

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 225 (2817)
ЖУМА
26 СЕНТЯБРЬ 1975 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тўққиз ойлик план бажарилди

«Средазтрансстрой» трестига қарашли 209-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари партия съезди шарафига бошланган мусобақага қўшилиб

Бугун

бош пудрат ишлари бўйича 9 ойлик планни муддатидан аввал бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Бошқарма бунёдкорлари йил бошидан буён 2,1 миллион сўмлик бош пудрат ишларини, шу жумладан, ўз кучлари билан 1,7 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.

Бошқарма қурувчилари сентябрь ойи охиригача пландан ташқари 100 минг сўмлик қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олдилар.

УЙ-ЖОЙЛАРНИ ЯХШИ САҚЛАЙЛИК

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИДАН

Совет кишиларининг моддий ва маданий турмуш даражасини тубдан яхшилаш тўққизинчи беш йилликнинг муҳим вазифаларидан биридир. Партия ва совет ҳукумати ана шу вазифаларни ҳал этишда уй-жой қурилиши, меҳнаткашларни замонавий уй-жойлар билан ўз вақтида таъминлаш масалаларига катта эътибор бериб келмоқда.

Сўнгги беш йилликда Ўзбекистон пойтахтида уй-жой фондининг сон ва сифат жиҳатидан бекиёс ортганлиги бунинг ёркин тимсолидир. Кейинги даврда шаҳримизда жамоат ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд бўлган 8,5 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой комплекси бунёд этилганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоядир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Тошкент шаҳрида олиб борилаётган комплекс қурилишлар ва ободонлаштириш ишлари суръати ва сифат даражасини янада ошириш тадбирлари тўғрисидаги қарори Тошкентни янада ривожлантириш тўғрисида кўрсатилган ғамхўрликларидан бири ҳисобланади. Қарорда республика пойтахтида 1977 йилдан бошлаб ҳар йили бир миллион квадрат-метр уй-жой қурилиши ва фойдаланишга топширилиши таъкидлаб ўтилган. Шаҳар уй-жой фондининг тез суръатлар билан қурилиши туфайли қисқа муддатда бу фонд 20 миллион квадрат-метрга етади.

Шу билан бирга, уй-жойларни сақлашни, улардан фойдаланишни яхшилашни таъминлаш билан боғлиқ бўлган ишлар миқёси ҳам ортиб боряпти. XV чақириқ меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг иккинчи сессиясида Тошкент шаҳрида турар жойлар фондининг сақланиши ва улардан фойдаланишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ана шу масала юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов доклад қилди.

— Шаҳардаги совет ва хўжалик ташкилотлари, —деди докладчи, — меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Турар жой органлари ўз ишларида уй-жойларни сақлаш ҳамда фойдаланиш масаласига эътибор бериб келмоқдалар.

Уй-жойларни сақлаш, уларни ободонлаштириш, капитал ремонтдан чиқаришга ҳар йили давлат томонидан катта маблағ ажратилмоқда. Шу йилнинг ўзидагина маҳаллий Советларга қарашли уй-жойлар ремонтига 10 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Капитал ремонт ҳажмининг бирмунча ўсиши, дейди докладчи, эндиликда уй-жой органлари ҳамда ремонт-қурилиш ташкилотлари ишни тубдан яхшилашни тақозо этмоқда.

Ремонт муддати кўп ҳолларда чўзиб юборилмоқда. Ремонтлар сифатини кескин яхшилаш талаб қилинмоқда. Қурилиш материалларини пуллаш фактларига ҳали ҳам чек қўйилмаган. Бундай камчиликларнинг асосий сабаби ремонт-қурилиш ташкилотларининг кучи кўпгина объектларга тақсимлаб юборилаётганлигида, четки ишлар билан шуғулланилаётганлигидадир.

Собир Раҳимов районидаги 7-ремонт-қурилиш бошқармаси ремонт ишларини доимо кетга суриб келмоқда. Бошқарма ишчилари 2-Қорақамиш массивининг 5-микрорайонидаги 11-уйда линолеум алмаштиришга бир йилдан ортиқ вақт сарфладилар.

Чилонзорнинг 7-кварталида жойлашган 10 ва 12-уйда истиқомат қилувчилар ўз квартираларининг сифатсиз ремонт қилинганлигидан ҳақли равишда эътироз билдирмоқдалар. Бу ерда 4-ремонт-қурилиш бошқармаси ишчилари ўз вазифаларини сидқидилдан адо этмадилар.

Район ижроия комитетлари, шаҳар уй-жой бошқармаси ва шаҳар қурилиш-ремонт трести ремонт ишларининг бориши ва сифати устидан керакли назорат ўрнатмаганликлари, айбдорларни жазога тортмаганликлари сабабли ремонт ишлари ўз вақтида ва сифатли сдиб борилмаяпти.

Шу билан бир вақтда капитал қурилиш Бош бошқармаси, Давлат архитектура қурилиш назорати, шаҳар уй-жой Бошқармаси қурилиш ташкилотлари олдига зарур талабни қўймайдилар, уй-жойларни катта камчилик билан фойдаланишга қабул қиладилар. Кейинги йилларда ана шу камчиликларни бартараф этиш учун шаҳар уй-жой бошқармаси томонидан 3 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Ваҳоланки, бу маблағлар уй-жойларни капитал ремонт қилишга ажратилган эди.

Иқтисодчиларнинг ҳисобига кўра,—дейди докладчи, идораларга қарашли уй-жойларни сақлашга маҳаллий Советларга қарашли уй-жойларни сақлашга караганда 1,6 марта кам маблағ ажратилмоқда. Бунинг натижасида идораларга қарашли уйлар тезда яроқсиз ҳолга келмоқда. Ҳукумат қарорига мувофиқ, ўз уй-жой фондига эга бўлган барча ташкилотлар бу фондни район ижроия комитетларининг уй-жой органлари балансига ўтказишлари керак. Шунга қарамай, бу иш жуда суст-лик билан олиб борилмоқда. Бу масалани тезроқ ҳал қилиш учун район ижроия комитетлари, уларнинг уй-жой органлари тезкорлик ва талабчанлик билан иш кўришлари керак.

Шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни яхши сақлашни таъминлаш мақсадида шу йил 8 июлда «Тошкент шаҳрида давлат уй-жой фондининг техникавий ҳолати устидан жамоат кўриги ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Кўрик давомида Киров район уй-жой бошқармаси, 28, 15-ЖЭК, «Ташгекстильмаш» заводи, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг ходимлари уй-жойларни қишга тайёрлашда яхши натижаларга эришдилар. Шу билан бирга, бир қанча уй бошқармалари, корхона ва ташкилотлар борки, уларда ана шу масалага кераклича эътибор берилмаяпти ва кўрик юзаки ўтмоқда.

Шундан кейин докладчи уй-жойларни жорий ремонт қилиш масаласига тўхталди. Аҳоли кўп ҳолларда ўзи истиқомат қилиб турган уй-жойларни ремонт қилиб ололмайди, дейди В. О. Козимов. Чунки, шаҳарда аҳоли буюртмаси билан ремонт қиладиган ихтисослаштирилган ремонт ташкилотлари жуда кам. Бундан ташқари, зарур қурилиш материаллари ҳамда санитария-техника жиҳозлари харид қилишда ҳам катта қийинчиликларга дуч келинмоқда.

— Шу муносабат билан республика Госпланидан қурилиш материаллари ва санитария-техника деталлари учун зарур миқдорда фонд ажратилишини сўрар эдик, — дейди докладчи, — Шунда шаҳар уй-жой бошқармаси ремонт ташкилотларини ана шундай материаллар билан бирмунча кўпроқ таъминлаши мумкин бўлар эди.

Докладчи сўзининг охирида шаҳар жамоатчилигининг, айниқса шаҳар ва район Советлари депутатларининг фаол иштирокисиз уй-жой фондидан фойдаланиш ва уларни сақлаш масаласини муваффақиятли ҳал этиб бўлмаслигини таъкидлади.

Сессияда иккинчи масала — «Партия ва Совет органлари қарорларининг бажарилишини текшириш юзасидан шаҳар халқ контроли комитетининг иши тўғрисида» шаҳар халқ контролои комитетининг раиси Ф. Н. Назруллаев ҳисобот берди.

— Комитетимиз, — дейди докладчи, — корхоналар, ташкилот ва муассасалардаги карийб беш мингга яқин халқ контроли группа ва постларига раҳбарлик қилмоқда. Уларга 44 минг назоратчилар бирлашган.

Халқ контроли органлари ва уларнинг активистлари асосий эътиборни пойтахт корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилашга қаратмоқда. 1974 йил ва тоу йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида шаҳар халқ контроли комитетига маҳсулот сифати билан боғлиқ бўлган 40 дан ортиқ текширувлар натижаси кўриб чиқилди. Саноат корхоналари ва қурилиш индустриясининг 60 дан ортиқ ташкилотларида рейдлар ўтказилди. Бу рейдларда 220 дан ортиқ халқ назоратчилари ва мутахассислар иштирок этдилар. Натижада Тошкент газ аппаратлари заводи, 1-тикув фабрикаси, «Электроприбор» заводларида маҳсулот сифати бирмунча яхшиланди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашда стандартнинг ролини ошириш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш борасида» Ленин, Собир Раҳимов ва бошқа районларнинг халқ контроли комитетлари бирмунча тадбирларни амалга оширдилар ва оширмоқдалар.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизил тонг» тикув фирмаси, электрон-техника заводидаги халқ контроли группалари ишни яхши йўлга қўйганлар. Шу билан бирга, халқ контроли группа ва постларининг ҳаммаси ҳам юксак сифат учун курашда фаол қатнашмоқдалар, деб бўлмайди. Тошкент спорт-товарлари фабрикаси, кўн-мўйна заводи, кўн-галантерея фабрикаси каби бир қатор корхоналарда халқ назоратчиларининг иши ҳамон яхши ташкил этилмаган.

Бу йил шаҳар ва район халқ контроли комитетлари томонидан ишлаб чиқаришни бошқариш структурасини такомиллаштириш, план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши, ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш, нон савдоси каби масалалар юзасидан оммавий текширувлар ўтказилди. Текширув натижасида социалистик мулкни муҳофаза қилиш комиссияларининг турли хил йўллар билан бузғунчиларга учун 97 кишига жазо берилди, 38 кишига пул жаримаси солинди, 14 киши вазифасидан четлаштирилди.

Текширувлар натижаси комитетлар мажлисида кўриб чиқилди, партия, совет органларига, Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетига етказилди.

Сессия ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин қатнашди ва нутқ сўзлади.

Докладларни муҳокама қилишда З. Н. Абдураҳимов, Г. С. Любишин, Б. К. Алиев, В. А. Сидоренко ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Сессияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пойтахтимиз меҳнаткашлари «оқ олтин»дан мўл ҳосил кўтаришда заршуносларга яқиндан ёрдам бермоқдалар

Пахтакорга мададкормиз

Республикамиз заршунослари тўққизинчи беш йиллик якунловчи йилида она-Ватанга 5 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» дурдонасини армуғон этиш йўлида ғайрат кўрсатиб фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Уфқларга тутташиб кетган бепоён пахтазорларда шу кунларда иш қизғин. Пахтакорларимизнинг меҳнатига довруғи элда достон бўлган қудратли пахта териш машиналаримиз барака киритмоқда.

«Уроқ ва Болға» иттифоқи анъаналарига содиқ қолган республикамиз пойтахтининг машинасозлари ҳам деҳқонларга қудратли техникаларни пешма-пеш етказиб бермоқдалар. Бундан ташқари улар ўз оталиқларидаги хўжаликларга ҳам яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Айни шу кунларда ҳамма ўзини пахтакор деб билади. Қишлоқ меҳнаткашларига ана шу масъулиятли ва долзарб кунларда мададкор бўлишни ишчи ҳам, хизматчи ҳам, олим ҳам, студент ҳам, хуллас, у қандай соҳада ишламасин, ўзининг фахрли ва муқаддас бурчи деб билади. Уларнинг бундай туйғуларини дала меҳнаткашлари яқиндан ҳис қилиб турибдилар.

Республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш ишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшаётган коллективларнинг ибратли ишлари, уларнинг ўз оталиқларидаги хўжаликларга кўрсатаётган яқиндан ёрдами тўғрисида ҳикоя қилувчи хушхабарларни диққатингизга ҳавола қиламиз.

АҲДИМИЗ ҚАТЪИЙ

Далаларда йиғим-терим ишлари қизғин паллага кирган ҳозирги кунда қишлоқ меҳнаткашларини зарур техника воситалари билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган тракторлар, пахтани қопқа-норсиз ташийдиган прицеплар деҳқонларнинг оғирини енгил қилаётганини кўриб биз ишчилар фахрланиб кўямиз. Биз маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга катта эътибор берамиз.

Коллективимиз аъзолари ўз оталигига олган «Политотдел» колхозининг пахтакорлари билан алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Эрта баҳорда қишлоқ меҳнаткашларига техника воситаларини ремонтдан чиқаришда кўмаклашган эдик. Кейинчалик йиғим-терим агрегатларини созлашда уларга ёрдам бердик. Пахтакорларнинг мурожаатини ҳисобга олиб яқинда уларга плугга қўшимча тўртта трактор ва ўнта прицеп жўнатдик. Буюртмаларнинг муддатидан илгари бажарилишида 1, 18, 19-цех коллективларининг хизмати катта бўлди.

Яқинда оталиққа олган хўжаликка корхонамизнинг мутахассислари ташриф буюриб, йиғим-терим машиналарини намунали ташкил этиш ва техника воситаларидан унумли фойдаланиш бўйича кўрсатмалар бериб келдилар.

Коллективимиз оталиқдаги хўжаликларга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш топширигини ҳам муддатидан илгари бажарди. Фақат август ойининг ўзида планга қўшимча 8 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар тайёрлаб бердик. Йиғим-терим мавсумида пахтакор дўстларимизга, ишчи кучи билан ёрдам кўрсатиш режаларини белгилаб олдик. Шунингдек, корхонамизнинг бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари дала меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Биз машинасозлар бундан кейин ҳам пахтакорлар бюртмасини зудлик билан тайёрлаб берамиз.

А. УСМОНОВ,
трактор заводининг созловчиси.

Деҳқонлар билан ёнма-ён

1 автомобиль ремонти заводининг коллективи кўп йиллардан буён дала меҳнаткашларининг оғирини енгил қилиб келмоқда. Корхонада республикамизнинг барча пахтакор хўжаликларидан келтирилган юк машиналарининг двигателлари капитал ремонтдан чиқарилади.

Корхона ишчилари РКП(б)нинг XI съезди шарафига бағишланган декада кунларида ЗИЛ — 120, 130, 134, 164 ва ГАЗ — 51, 53 маркали юк автомашиналари учун планга қўшимча юзга яқин двигателларни капитал ремонтдан чиқаришга аҳд қилганлар. Бу авторемонтчиларнинг пахта ҳосилини тезроқ йиғиб-теришга олиш ва давлатга топширишда дала меҳнаткашларига кўрсатадиган муносиб ёрдами бўлади.

Авторемонтчилар Жиззах областининг Октябрь районидаги «Ленинград» совхозини оталиққа олганлар.

СТУДЕНТЛАР КЎМАГИ

Республика миз-нинг 5 миллион 200 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студентлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Институт қишлоқ хўжалиги механизацияси факультетининг 250 студенти оталиқдаги Жиззах ва Сирдарё областлари пахтакор хўжаликларида деҳқонларга кўмаклашмоқда. Улар деярли бир ой давомида пахта териш машиналарини терим мавсумига тайёрлашда механизаторларга ёрдам бераяптилар. Яна бир неча кундан кейин ана шу 250 студент ўзлари ремонт қилган «зангори кема»ларнинг рулига ўтирадилар.

Институт комсомолларидан 75 киши пахтакорларга яқиндан ёрдам бериш учун сафар ҳозирлигини кўраяпти.

Машиналар ремонти технологиясини ташкил этиш факультетининг ана шу 75 студенти ҳам Жиззах ва Сирдарё областлари хўжаликларида машиналар билан «оқ олтин» терадилар.

СОВЕТ ФАНИНИНГ ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ БАЙРОҒИДА — ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фаолияти юксак мукофот—Халқлар дўстлиги ордени билан тақдирланди. Республика хаётидаги шу ишонли воқеага бағишланиб 25 сентябрь куни Тошкентдаги Санъат саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ранг-баранг гуллар билан безатилган саҳна тўрига Владимир Ильич Ленининг портрети қўйилган.

Илм-фан аҳлларининг байрамига олимлар билан бирга ишчилар, колхозчилар, халқ хўжалиги ва маданият кўпгина тармоқларининг вакиллари келишди. Республика илм-фанининг бош штаби—Фанлар академияси бу тармоқлар ривожига ҳисса қўшиб келмоқда.

Тантанали йиғилишни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов минбарга чиқади.

— Бутун совет жамоатчилиги шонли сана — СССР Фанлар академиясининг 250 йиллигини тантанали нишонламоқда. Академиянинг тузилиши мамлакатимиз фани, маорифи ва маданиятимиз ривожлантириш тарихида катта воқеа бўлди. Совет фани ва маданиятини ривожлантиришдаги, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашдаги, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашдаги жуда катта хизматлари учун ва асос солинган кунига 250 йил тўлиши муносабати билан СССР Фанлар академияси Ленин ордени билан мукофотланди.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Иттифоқ академиясига ғоят зўр ҳурмат туйғуси билан қарайдилар ва уни 250 йиллик юбилейи ва юксак ҳукумат мукофоти билан чин кўнгилдан табриклайдилар.

Ш. Р. Рашидов СССР Фанлар академиясига, унинг президиумига самимий қутловлар топширди ва севикли Ватанимиз бахт-саодати йўлидаги, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш йўлидаги олижаноб меҳнатда уларга янгидан-янги муваффақиятлар тилаб, самимий истаклар билдирди.

— Биз барча қардош иттифоқдош республикаларнинг Фанлар академияларини ҳукуматнинг юксак мукофоти билан табриклаймиз ва уларга илмий тадқиқотларини ўтказишда республикамиз олимлари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилаётганликлари учун қизғин миннатдорчилик изҳор этамиз,— деди Ш. Р. Рашидов. —Илм-фанни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳам ҳукуматнинг юксак мукофотига сазовор бўлди.

СССР Олий Совети Президиумининг фармони ўқиб берилади.

Ш. Р. Рашидов гулдурос қарсаклар остида Халқлар дўстлиги орденини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси байроғига тақиб қўйди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан у Фанлар академиясининг ажойиб коллективини, республиканинг ҳамма олимларини юксак ва муносиб мукофот билан астойдил муборакбод этди.

Ш. Р. Рашидов шуни таъкидладики, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси барча иттифоқдош республикаларнинг Фанлар академиялари қатори Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганлиги — партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев совет фанини ривожлантириш тўғрисида, ривожланган социалистик жамият ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма соҳаларида унинг ролини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганликларининг яна бир яққол ва ишончли далилидир.

Владимир Ильич Ленин СССР Фанлар академиясининг вазифаларини таърифлар экан, ишлаб чиқарувчи кучларни рационал жойлаштириш ва улардан фойдаланиш принципларини ўрганиш, ёш советлар республикаси экономикасини тез юксалтиришга боғлиқ проблемаларни ишлаб чиқиш Фанлар академиясининг, биноба-рин, ҳамма олимларнинг ҳам диққат марказида туриши лозимлигини уқтирган эди.

(Давоми 3-бетда)

Пешқадам бригада

Шу кунларда аэровокзалнинг янги биноси қурилишида сўнгги монтаж ишлари олиб борилмоқда. Ўрта Осиё транспорт қурилиши трестига қарашли 194-қурилиш-монтаж поездининг В. Ваҳуленко бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи РКП(б) XI съезди шарафига зарбдор декадада қатнашиб қуйидаги натижаларга эришмоқда. Бригаданинг В. Коривко, Р. Гарибли каби илғор монтажчилари кунлик иш нормаларини 120-130 процентдан ошириб ўрнатишмоқда. Декада топшириқларини муддатидан илгари адо этаётган коллектив бино шифтларида монтаж ишларини жадаллатишга муваффақ бўлмоқда. Монтажчилар ўн биринчи декада топшириғини барвақт бажариб, пландан ташқари ўн минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилишган.

Тонгги газеталарда

★ Кеча Москвада Союзлар уйининг Колонна залида стахановчилик ҳаракатининг 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференция ўз ишини тугаллади.

★ СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний кеча Кремлда мамлакатимизда стахановчилик ҳаракатининг бир группа ташаббускорларига орден ва медалларни топширди. Ленин ордени ва «Уроқ ва Болға» олтин медаллари А. Х. Бусыгин, М. В. Гнатенко, И. И. Гудов, П. И. Ковардан, К. Г. Петров, Н. С. Сметанин ўртоқларга топширилди.

Стахановчилик ҳаракатининг ветеранлари ўз фаолиятларини юксак баҳолаганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва Совет ҳукуматига қизғин миннатдорчилик билдирдилар.

★ Умумий ва тадбиқий химия юзасидан Олмаотада бўлиб ўтган XI Менделеев съезди қатнашчиларидан бир группаси 25 сентябрь куни Тошкентга келди.

★ «Давлат ва меҳнат институтларини мустаҳкамлаш масалалари ҳамда ҳуқуқ пропаганда соҳасидаги вазифалар» мавзуига бағишланган Бутуниттифоқ семинари ўз ишини тамомлади. Семинар Тошкентда уч кун давом этди.

СУРАТДА: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилиш президиуми.

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг илғор каштачиси Рихси Иногомова топшириқларини доимо ошириб бажаради.

ЎЗИМИЗ АЙБДОРМИЗ

БИР дўстим яқинда тўй қилди. Икки юзга яқин меҳмон чақирди. Шунга яраша сарф-харажат қилди. Қоп-қоп ун ёпилди. Дошқозонда ош дамланди. Яшик-яшик ичимлик олинди. Буни қарангки, маҳаллада тўй кўп бўлганлиги учунми, дастурхонга қўйилганноз-неъматларнинг ярмидан кўпи қолиб кетди. Ортиқча нонлар ташлаб юборилди. Ортиб қолган овқатни, нима қилишини билмай, дўстимнинг боши қотди.

Тўй тарқаб, тўйхона тинчиганидан кейин дўстимдан хабар олгани кирдим. Эр-хотин айвонининг бир чеккасига ўтириб олиб, ҳисоб-китоб қилишаётган экан. Маълум бўлишича тўй қиламан деб кўча-кўй, қариндош-уруғидан 2 минг 700 сўм қарз бўлиб шибди. Шунча йиллар болаларнинг насибасидан қисиб-қимтиб йиғилган пул бу ҳисобга кирмайди. У ҳали тўй бошланмасиданоқ совға-саломларнинг ўзига кетган... Мен бир нарсага айниқса ачиндим. Дўстимнинг бешта боласи бор. Ҳаммаси ўқувчи болалар. Демак ўртоғим яна бир неча йил болаларнинг насибасидан қисиб-қимтиб қарзини тўлаши керак. Бундан кимга фойда ю, кимга зиён? Тўйдан ортиб қолган неъматларни еган қўшнининг сигири, тўй куни маст бўлиб олиб, алжираган одамлар эндн дўстимдан хабар олармиди? Уз ёнига ўзи қовурилиб ўтираверади-да! «Мен сендан қоламанми», қабилида иш қилишнинг нима нераги бор эди? Умуман шунча ортиқча сарф-харажатнинг нима зарурати бор эди?

Ҳурматли редакция, шу масалани қачон бир ёқлик қилса бўлади?

Салом билан: ЗОКИРОВ, меҳнат ветерани, пенсионер.

«Мен бир нарсага ҳайронман. Кейинги пайтларда биз нонни эъзозлаш тўғрисида кўп гапиряпмиз-у, ўзимизнинг гапимизга ўзимиз амал қилмаяпмиз. Ошхонада бир тогора нон ортиб қолса, ташлаймиз келади. Лекин тўйимизда бир сандиқ нон ортиб қолса парво қилмаймиз. «Ҳа, энди тўйчиликда», — деб қўяқоламиз. Хўш, ошхонада ортиб қолган нон бурдаси бошқа-ю, тўйда ортиб қолганни бошқами? Ёки тўй қилган одам хоҳлаганча исрофгарчилик қилаверишн мумкин деган қонда борми? Бундай қонда йўқ. Лекин тўйда керагидан ортиқ нон ёпиш керак эмас, деган қонда ҳам йўқ. Шунинг учун биз Акмал Икромов номидаги маҳалла активининг кенгайтирилган мажлисида тўйларда нарн борса икки қоп нон ёпиш масаласини кўриб чиқдик. Шунда нон меҳмонларга бемалол етади, Хотинларга нон улашиш зарур эмаслигини аёлларнинг ўзлари айтишяпти.

Л. ҲАМИДОВ, Акмал Икромов номидаги маҳалла комитетининг раиси, пенсионер».

Кўриб турибсизки, бу икки мактуб бир-бирига жуда ўхшайди. Уларда тўй харажатларининг ошиб кетаётгани куюнчаклик билан баён этилган. Бундай мактублар редакцияга деярли ҳар куни келиб туради. Лекин юқоридаги хатларнинг фазилати шундаки, уларни ҳаёт тажрибаси билан соч-соқоли оқарган кекса кишилар ёзяпти. Ҳамма гап мана шунда.

Биз кўпинча ўзимизга ёқмаган нарсани эскилик сарқити деб қўяқоламиз. Ушбу хатларда баён этилган нарсалар эскилик сарқити бўлса, нима бунинг учун ҳамма баравар ҳаракат қилмоғи керак.

Хат устида ўйлар

БИР МАВЗУДА ИККИ МАКТУБ

ҚАДР

«Мен бир нарсага ҳайронман. Негадир кейинги пайтларда одамларнинг қадри камайиб кетяпти. Ешлар ўзларидан катталарни ҳурмат қилмайди. Автобусда кетаётганида жойини бериш ҳам малол келади. Ҳатто салом бе-

эндн улар невара-чеварали бўлишди. Фарзандлари чол-кампирни қўйгани жой топишолмайди. Уларнинг қадр-қимматини ўрнига қўйиб, нафтида кўтариб юргудек бўлишади. Мен бундай фарзандларни кўриб ҳавасим келади».

А. САМИҒОВ, педагог.

Қизиқ, иккита мактубда икки хил фикр баён қилинган. Муаллифлардан бири ёшларнинг одобсиз бўлиб кетаётганини айтиб нолийди. Иккинчиси эса фидоий ёшлар ҳақида ҳаяжон билан ёзади. Улар ўз ота-оналарининг ишини давом эттираётганини баён қилиб, қувонади. Қайси бир мактуб ҳақиқатга яқинроқ?

Бизнингча, ёшлар айниб кетди деган гап мутлақо нотўғри. Тўғри, ҳар бир авлоднинг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Ҳар бир авлод ўзидан олдинги авлоддан маълум томонлари билан озми-кўпми фарқ қилиши мумкин. Лекин инсоният учун энг муқаддас бўлган эзгулик туйғуси ҳамиша табаррук анъана сифатида авлодлан авлодга кўчаверади. Бизнинг замондошлар, бизнинг ёшлар мана шу анъанани авайлаб сақлаяптилар. Инсон қадри масаласига келсак, уни авайлаб қадрлайдиганлар ҳам, баъзан оёқ ости қиладиган нобоп кишилар ҳам ҳамиша бўлган ва бундай кейин ҳам бўлаверади. Бу масалада бутун бир авлодни қоралаш тўғри эмас. Ҳаёт бор экан, эзгулик ҳам бўлаверади. Бизнинг замондошларимиз ўз оталаридан олган эзгу туйғуларини фарзандларига ўргатишлари аниқ.

Ў. ҲАМДАМОВ.

Сўз — ишлаб чиқариш командирларига

БУ ВОҚЕАГА бир йилдан ошиб қолди. Ишчи Геннадий Грабарский нимагадир камгап ва айни пайтда хафа бўлиб юрадиган бўлиб қолди. Бу нарса мени ўйлатиб қўйди. Бир куни унинг олдига бориб аҳволини сўрадим. Оиласи ва фарзандларининг соғлигини билдим. Геннадий билан ишдан кейин ҳам анчагина суҳбатлашдим. Маълум бўлишича, у оиласи билан кичкинагина хонада турар, анча қисилишиб қолишган экан. Демак, унинг уй шароитини яхшилаш керак. Эртасигаёқ цех активларининг йиғилишини уюштириб, Г. Грабарскийнинг оила шароитини муҳокама қилдик.

— Бу ҳанда завод директори билан маслаҳатлашиб кўраман, — деди цехимизнинг мастери Мавжуда Абдуллахўжаева. — Зарур пайтларда ҳамкасбимизни қўллаб-қувватласак унинг коллективга бўлган меҳри янада ортади.

Цех бошлиғи Евгений Катиков билан бир группа ишчилар директор хонасига кириб боришди. У бизнинг сўзларимизни яхшилаб тинглади, тез орада Геннадий Грабарскийга уч хонали квартира олиб беришга ваъда қилди...

Ҳар куни автоматчи Геннадий Грабарский олдидан ўтар эканман қалбим гурурга тўлади. Негаки, унинг тимсолида коллектив қудратининг белгиси намоён бўлади. Керак пайтида ҳамкасблари бир бўлишиб, унга квартира олиб бермагунларн-

ҚАЛБИМГА ЯҚИН КИШИЛАР

ча тиниб-тинчишмади. Мана энди Геннадий яхши кайфиятда меҳнат қиляпти. Смена топшириқларининг илгаригисига нисбатан анча юқори бўлишига эришаляпти. Яқинда маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича ўтказилган конкурсда биринчи ўринни олди. Уз навбатида ҳунар-техника билим юртидан келган бешта ўсмирни ўз назоратига олган. Меҳрибон мураббий ҳаммасига улгураляпти. Коллективга бўлган ишонч янги марраларни қучишида муҳим омил бўлмоқда.

Бу — коллектив фаолиятидан бир мисол, холос. Агарда бир-биримизга бўлган ўзаро ёрдамни ва меҳр-муҳаббатни ёзмоқчи бўлсам каттагина китоб бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар куни смена бошланиши олдидан участкада ишловчи 80 дан зиёд ишчиларнинг олдига бориб уларнинг аҳволларидан хабардор бўлиб, йўл-йўриқ бериб тураман.

Биргаликдаги меҳнат коллектив аъзоларини бир-бирига қадрдон ва меҳрибон қилиб боряпти. Яқинда автоматчи Николай Редкин касалхонага тушиб қолди. Мастеримиз Мавжуда Абдуллахўжаеванинг тавсияси билан коллектив бўлиб уни кўргани борди. Коллектив меҳрининг оташи зўр бўлар экан. Николай тезда тузалиб ишга қайтди.

Цехимиз корхонанинг юраги ҳисобланади. Бу ерда «ОВХ.14» чанғлагич-пуркагич машиналарининг асосий деталлари ишлаб чиқарилади. Ҳар бир деталнинг сифатли тайёрланиши ишчиларнинг кайфиятига боғлиқ албатта. Коллективда И. Гендельман, Н. Романов каби моҳир ишчиларимиз борки, улар ҳар бир ёш ишчининг қалбига тўғри йўл топиб, коллектив қудратига ишонч руҳида тарбиялашда катта тажриба орттирганлар.

Ишчиларни ўз вақтида қўллаб-қувватлаб, модий ва маънавий рағбатлантириб туриш ютуқларнинг бош омилидир. Участка бошлиғи сифатида шуни айта оламанки, Н. Редкин, С. Бобожонов, Г. Грабарский каби ишчиларнинг ҳамкасбларининг қўллаб-қувватлаши остида огирн енгил бўлди, уларнинг коллективга сўлган меҳри ҳам тобора ошиб бормоқда. Зероки, дил яқин бўлгандан кейин меҳр-оқибат ҳам ортаверади. Бу эса зиммамиздаги режаларнинг амалга ошишида муҳим роль ўйнайди.

О. ИБРОҲИМОВ.

«Ташхимсельмаш» заводи 1-механика цехининг участка бошлиғи.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

«Тошкент оқшоми»га хатлар

МАКТУБЛАРДАН САТРЛАР

«БИР ДЎСТИМ ЯҚИНДА ТЎЙ ҚИЛДИ. ИККИ ЮЗГА ЯҚИН МЕҲМОН ЧАҚИРДИ. ШУНГА ЯРАША САРФ-ХАРАЖАТ ҚИЛДИ. ҚОП-ҚОП УН ЁПИЛДИ. ДОШ ҚОЗОНДА ОШ ДАМЛАНДИ... ОРТИҚЧА НОНЛАР ТАШЛАБ ЮБОРИЛДИ. ОРТИБ ҚОЛГАН ОВҚАТНИ НИМА ҚИЛИШИНИ БИЛМАЙ, ДЎСТИМНИНГ БОШИ ҚОТДИ».

Меҳнат ветерани, пенсионер ЗОКИРОВ хатидан.

* * *

«МЕН БИР НАРСАГА ҲАЙРОНМАН. КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА БИЗ НОННИ ЭЪЗОЗЛАШ ТЎҒРИСИДА КЎП ГАПИРЯПМИЗ-У, ЎЗИМИЗНИНГ ГАПИМИЗГА ЎЗИМИЗ АМАЛ ҚИЛМАЯПМИЗ».

Акмал Икромов номидаги маҳалла комитетининг раиси, пенсионер Л. ҲАМИДОВ хатидан.

* * *

«8 МАРТ НОМЛИ ХОТИН-ҚИЗЛАР САНАТОРИЙСИ ЧОРАК АСРДАН БЕРИ 26 МИНГДАН ОРТИҚ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ИБРАТЛИ ХИЗМАТ ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН ШИФОБАХШ МАСКАНЛАРДАН БИРИДИР».

12-мактаб ўқитувчиси С. СУЛТОНОВ хатидан.

* * *

«...БУ ЕРДАГИ УЧТА АВТОМАТНИНГ БИРОНТАСИ ҲАМ ИШЛАМАЙДИ. САВЛАТГА ҚЎЙИЛГАН БУНДАЙ АВТОМАТЛАРДАН НЕ ФОЙДА?».

Профессор Ҳ. СОБИРОВ хатидан.

1975 ЙИЛ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР ЙИЛИ

ШИФОБАХШ МАСКАН

8-Март номли хотин-қизлар санаторийси чорак асрдан бери 26 мингдан ортиқ хотин-қизларга ибратли хизмат қилиб келаётган шифобахш масканлардан биридир. Икки гектардан ортиқ майдонни эгаллаган санаторий ҳовлиси яшил либосга бурканган. Утган давр ичида санаторий кенгайди, тажрибали шифокорлар, янги-янги замонавий даволаш аппаратлари билан бойитилди.

Санаторийда бир йўла 125 бемор даволанниши мумкин. Бу ерда уларга ҳамма шароит яратилган.

Республикамизнинг турли областларидан келган беморларни ҳар ҳафта икки марта шаҳримиз ва Тошкент областининг диққатга сазовор ерларига, ҳафтада бир марта театрларга экскурсиялар уюштирилади.

Бир неча йил фарзанд кўрмай, бу ерда даволаниб фарзандли бўлган оналарнинг қувончи айниқса чексиз.

Биз санаторий таклиф ва мулоҳазалар дафтарини варақлаганимизда бир сандиқ нон ортиб қолса парво қилмаймиз, «Ҳа, энди тўйчиликда», — деб қўяқоламиз. Хўш, ошхонада ортиб қолган нон бурдаси бошқа-ю, тўйда ортиб қолганни бошқами? Ёки тўй қилган одам хоҳлаганча исрофгарчилик қилаверишн мумкин деган қонда борми? Бундай қонда йўқ. Лекин тўйда керагидан ортиқ нон ёпиш керак эмас, деган қонда ҳам йўқ. Шунинг учун биз Акмал Икромов номидаги маҳалла активининг кенгайтирилган мажлисида тўйларда нарн борса икки қоп нон ёпиш масаласини кўриб чиқдик. Шунда нон меҳмонларга бемалол етади, Хотинларга нон улашиш зарур эмаслигини аёлларнинг ўзлари айтишяпти.

Л. ҲАМИДОВ, Акмал Икромов номидаги маҳалла комитетининг раиси, пенсионер».

Кўриб турибсизки, бу икки мактуб бир-бирига жуда ўхшайди. Уларда тўй харажатларининг ошиб кетаётгани куюнчаклик билан баён этилган. Бундай мактублар редакцияга деярли ҳар куни келиб туради. Лекин юқоридаги хатларнинг фазилати шундаки, уларни ҳаёт тажрибаси билан соч-соқоли оқарган кекса кишилар ёзяпти. Ҳамма гап мана шунда.

Биз кўпинча ўзимизга ёқмаган нарсани эскилик сарқити деб қўяқоламиз. Ушбу хатларда баён этилган нарсалар эскилик сарқити бўлса, нима бунинг учун ҳамма баравар ҳаракат қилмоғи керак.

Ҳар куни келиб туради. Лекин юқоридаги хатларнинг фазилати шундаки, уларни ҳаёт тажрибаси билан соч-соқоли оқарган кекса кишилар ёзяпти. Ҳамма гап мана шунда.

Биз кўпинча ўзимизга ёқмаган нарсани эскилик сарқити деб қўяқоламиз. Ушбу хатларда баён этилган нарсалар эскилик сарқити бўлса, нима

ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Халқаро хотин-қизлар йилида шифохона ходимлари беморларга медицина хизмати кўрсатишни тағин ҳам яхшиламоқдалар. Санаторий беморларга намунали хизмат кўрсатгани учун республика курортлар бошқармаси ва область партия комитетининг фахрий ёрлиқларини олган. **С. СУЛТОНОВ, 12-мактаб ўқитувчиси.**

Олимлар студентлар меҳмони

Техрон консерваториясининг директори Мустафо Пуртуроб ва мусиқашунос олим Мехди Баркашли Тошкент Давлат консерваторияси студентлари ҳузурида меҳмон бўлишди.

Совет—Эрон дўстлигига бағишлаб ўтказилган учрашув кечасида чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш ўзбекистон жамиятининг раиси И. Х. Тўхтахўжаева, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ҳамда Ўзбекистон ССР халқаро Ж. Неру ва Г. А. Носир номидаги мукофотлар лауреати, композитор, профессор Муҳтор Ашрафий «Форс мусиқасининг тарихи ва ҳозирги замон Эрон мусиқасининг тараққиёти ҳақида» гапирдилар.

Ҳурматли меҳмонларга альбомлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Н. ИСРОИЛОВ.

Ёг-мой комбинати учун

Тошкентдаги тажриба-механика заводи коллективи Сурхондарё областининг Денов районида бунёд қилинаётган ёг-мой комбинатининг иккинчи навбати учун саноат ускуналарининг бир туркумини юборди. Николай Косторев бошчилик қилаётган йиғувчи-слесарлар бригадасининг П. Ряскин, С. Нугмонов ва П. Рибалов каби ишчилари бунга муносиб ҳисса қўшдилар.

Т. ШОЮСУПОВА.

Газетхон танқид қилади...

САВЛАТГА ҚЎЙИЛГАНМИ?

Шаҳримиздаги марказий серқатнов жойларда беш, олти ер ости ўтиш йўллари мавжуд. Шулардан бири «Тошкент» меҳмонхонаси билан Марказий универсал магазинини бирлаштиради. Бу ер ости йўлларида йўловчилар жуда ҳам гавжум бўлганини инобатга олиб, шаҳар «Союзпечать» бошқармаси бу ерга газеталар сотадиган 5 та автомат ўрнатган. Лекин бу автоматлар савлат тўкиб турибди, холос. Улар, ишламайди. Худди ана шундай аҳволни биз Комсомол майдонида г и Ленин номли маданият ва истироҳат боғига ўтадиган ер ости йўлида ҳам кўришимиз мумкин. Бу ердаги учта автоматнинг бирортаси ҳам ишламайди. Савлатга қўйилган бундай автоматлардан не фойда?

Ҳ. СОБИРОВ. Тошкент халқ хўжалиги институтининг кафедра мудири, профессор.

ҚУЛФЛАНГАН КИОСКА

Мана уч ойдирки, Қорасаройдаги киоска ҳамшаҳарларимиз г а хизмат қилмай қўйди. Аҳоли янги газета ва журналларни олиш учун 69-почта ёнидаги киоскага бориб келишга мажбур бўлмоқда.

Шу кунларда киоскаларнинг атрофига аҳоли ҳар хил чиқиндилар келтириб ташлашмоқда. Қорасарой кўчасидаги 221-уйнинг олди эса ҳамиша чиқиндиларга тўлиб-тошиб ётади. Бу ерда ҳам а х л а т сотиладиган махсус яшиклар қўйилмаган. Бу аҳволга Собир Раҳимов район «Союзпечат» агентлиги ва «Автодормех б а з а»раҳбарлари қачон барҳам беришади?

С. ЯРМУҲАМЕДОВ.

...мақтайди...

АҲОЛИ МИННАТДОР

Олдинлари Бешқайрагоч массивида хатларни олиб кетадиган почта қутилари йўқ эди. Бу бироз бўлсада ноқулайлик туғдирарди. Яқинда массивдаги серқатнов ҳамда марказий кўчаларга почта қутилари ўрнатилди. Почта хизматчилари аҳолининг ёзган хат-хабарларини ўз вақтида ҳар куни олиб кетиоқдалар. Бундан массив аҳолиси миннатдор.

Х. ЛАТИПОВ.

...қувонади

ЙЎЛСОЗЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Ленин район йўл эксплуатацияси участкаси азаматлари, тўқ-қизларнинг беш йиллик ҳамда яқунловчи йил топшириқларини муддатидан илгари ортиғи билан бажармоқдалар. Шу йилнинг ўзида 20 ўринга 21 минг квадрат метр кўча ва йўлкалар жорий ремонтдан чиқарилди. Привокзал, Червяков, Октябрь революцияси, Манжара, Лазо, Сариқкул, Полтарацкий каби ўнлаб кўчалар шулар жумласидандир. Бу ишларда М. Лукина. В. Казаков, Н. Финагинова ва бошқа ремонтчилар бошқаларга ўрнак бўлдилар.

— Пил оҳиригача, — дейди участка бошлиғи М. Клюшова, — яна 3 минг квадрат метр йўл ва йўлкаларни сифатли ремонт қилиб, қиш мавсумида йўлларнинг равон бўлишини таъминлаймиз.

И. РУСТАМОВ, хизматчи.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг йиғув цехи инженер-конструкторлари ва слесарлари юксак сифатли тўқимачилик машиналари ишлаб чиқармоқдалар.

СУРАТДА: илғор йиғувчи-слесарь А. Нишонов, инженер-конструктор А. Васильев ва слесарь А. Агаловларни кўриб турибсиз.

И. Шоногомов фотолари.

Гаражлар проблемасини муҳокама қиламиз

УЗБОШИМЧАЛИК ҚИЛИШЯПТИ

Массивимизда 140 та гараж бор. Булар турар жой бинолари, мактаб ва болалар боғчалари ёнига жойлашган. Бундан ташқари гараж болалар ва спорт майдончаларини ҳам эгаллаган. Майдончани янада кенгайтириш мақсадида гараж эгалари ариқларни бутунлай кўмиб ташлашди. Улар машиналарини ана шу ерда ремонт қилиб, ювишади. Гараж томон борадиган йўл эса ҳар доим чанг-тўзон.

Бундай шароитда яшашдан қийналиб кетдик. Ўйлаймизки, Тошкент шаҳар ижроия комитети қарорига бўйсунган ҳолда шаҳримиздаги бошқа райондардаги каби бизнинг турар жой массивимизда ҳам аҳоли учун барча шароитлар яратилади.

Зорин, Любашин, Роль, Юнусобод массиви.

МАШИНАЛАРНИ ҚАЕРГА ҚЎЯМИЗ?

Мен яқинда машина сотиб олдим. Лекин уни қўядиган жой йўқ. Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарорининг «Авто-мото воситаларини ҳамда хусусий гаражларни жойлаштиришни тартибга солиш ҳақида»ги лойиҳаси ўз вақтида берилган. Кварталимиздаги гаражлар шундоқ дераза-ларининг ёнгинасида жойлашган. Машиналар бензини кўнглимизни оздириб, моторларининг гувиллаши жонимизга тегди. Мамлакатимизнинг марказий шаҳарларида машиналарнинг шаҳар чеккасида туриши аллақачон ҳал қилинган. Биз ҳам меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарорини ҳаётга тадбиқ этилишини сабрсизлик билан кутамиз.

А. ТРУБИЦИН.

УЗ ВАҚТИДА ЧИҚАРИЛГАН ҚАРОР

ШАҲАР ЧЕККАСИДА БЎЛСИН

Лойиҳа бўйича биз яшаб турган уйнинг атрофи болалар майдончаси ва дам олиш ери бўлиши керак эди. Лекин минг афсуски, бу ерда истиқомат қиладиган баъзи бир, фақат ўз манфаатини кўзлайдиган кишилар майдонча ўрнида ўзлари учун томорқа ҳосил қилишди.

Калантаров деган киши бу борада ўзига хос «рекорд» қўйди. Икки уйнинг ўртасидаги дарахтларни кесиб ташлаб, гараж ўрнатди. Ундан «намуна» олган бошқа қўшнимиз ҳам яқинда шу ерда гараж ўрнатди. Машиналарнинг шовқини ва ҳавони бузиши жонимизга тегди. Шунинг учун ҳам биз меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарорининг лойиҳасини тўла маъқуллаймиз. Машиналарни шаҳар чеккасидаги гаражларда сақлаш масаласига биз ҳам қўшиламиз.

М. КРОВИН.

ОСОИИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

КЎНГИЛЛИЛАР

Тошкент Автомобиль транспорти ва йўллари институти кўнгилли халқ дружиначиларининг командири, институт проректори А. Зоҳидов жамоат посбонлари йиғилишини очиб, уларнинг янги йўкув йилидаги вазифалари ҳақида гапирди.

— Институтимиз студентлари, — дейди у, — жамоат осойишталигини сақлаш йўлида яхши анъаналарни давом эттириб келмоқдалар. Бу йил кўнгиллилар сафига қўшилган унинг янги аъзолари ҳам доимо сергак ва тартиббузарларга нисбатан муросасиз бўлишлари керак.

Йиғилиш тугагандан сўнг қўлига қизил бо-

ғич тақиб олган дружиначилар Ленин район Ички ишлар бўлими ходимларининг кўрсатмасига биноан белгиланган участкалар томон группа-группа бўлиб йўл олишди.

Ўтган йили институтда ва осойишталиги йўлида 1200 студент кўнгилли бўлиб хизмат қилган бўлса, бу йўкув йилида уларнинг сони 1500 кишига етди. Янги йўкув йилида 50 кишилик комсомол опер а т и в группаси ҳам ташкил топди. Дружиначиларга А. Султонов, Л. Могей, А. Меллер, Т. Юсуфхўжаев, А. Абдуллаев каби актив студентлар етакчилик қилиб улар ўзларига бириктирилган Революция хиёбони, Олой бозори, Карл Маркс, Ленинград ва Ф. Энгельс кўчаларида доимий назорат ўрнатганлар.

Институт дружиначилари қисқа вақт ичида безорилик, олиб-сотарлик, ўғрилик каби қонунга хилоф ишларнинг кескин камайтирилишига яқиндан кўмаклашиб, обрў-эътибор қозондилар.

Қ. МАЛИКОВ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ўқитувчиси.

2-бет. Тошкент оқшоми

26 СЕНТЯБРЬ, 1975 й.

СОВЕТ ФАНИНИНГ ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ

(Боши 1-бетда).

КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездига ҳисобот докладида Леонид Ильич Брежнев бундай деди: «Фан ва техника тараққиёти — коммунизм моддий техника базасини вужудга келтиришнинг энг асосий воситасидир. Шу боисдан ҳам фан ва техниканы ривожлантириш каби жуда муҳим масалада биз истиқболни равшан кўриб туришимиз, амалий ишда шу истиқболни ҳисобга олишимиз лозим».

Совет олимлари коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда, Ватанимизнинг иқтисодий қудратини таъминлашда, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда, совет халқининг моддий фаровонлигини оширишда, маориф ва маданиятни ривожлантиришда, тинчликни мустаҳкамлашда ва ҳалқлар ўртасидаги дўстликни кучайтиришда актив қатнашмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизда илм-фан техника тараққиётига тобора каттароқ таъсир ўтказмоқда, тобора кўпроқ бевосита ишлаб чиқарувчи кучга, меҳнаткашларнинг маркса-ленинча дунёқарашини шакллантириш юзасидан партия олиб бораётган ишларда жуда муҳим омилга айланиб бормоқда. Ҳозир совет фани жаҳон фанининг олдинги марраларида бормоқда.

Коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сиёсати амалга оширилаётганлиги туфайли Ўзбекистонда илм-фан гуркираб ривож топмоқда. Ўзбекистон фанининг ташкил топиши ва мислсиз ривожланишида Совет Шарқида биринчи бўлган Тошкент Давлат университети ташкил этиш тўғрисида Ленин имзо чеккан Декрет ва шу Декретга мувофиқ бизнинг ўлкамизга келган рус олимлари бениҳоя муҳим роль ўйнадилар. Ҳозирги вақтда республикада 150 илмий муассаса ва 42 та олий ўқув юрти бўлиб, уларда ҳозирги замон илм-фанининг барча етакчи тармоқлари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси республикадаги илмий тафаккурнинг юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг чинакам маркази, ҳақиқий штаби бўлиб қолди. Академия ўзининг бутун фаолияти давомида унинг даргоҳида бир қанча илмий йўналишлар, бутун-бутун мактаблар вужудга келди.

Бу муваффақиятлар Фанлар академияси олимларининг космик фазони ўзлаштиришда ва атом ядросининг битмас-туганмас энергиясини эгаллашда, модда тузилиши сирларини ва ҳаёт жараёнларини ўрганишда, ишлаб чиқаришни ва экономиканы бошқаришнинг кибернетик методларини кенг қўлланишда, табиатнинг қудратли кучларини бўйсундиришда ва унинг бойликларини халққа хизмат қилдиришда ўз ифодасини топмоқда.

Олимлар техника фанлари соҳасида самарали иш олиб бормоқдалар, бу иш республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини, айниқса фан-техника тараққиёти даражасининг кўрсаткичи бўлган ишлаб чиқариш воситаларини ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Катта назарий аҳамиятга молик қўпгина ишлар саноат ва қишлоқ хўжалиги ходимлари билан мустаҳкам ҳамдўстликда бажарилди, юқсак даражада самарали техника намуналари яратилди, илғор технология жараёнлари ва агротехника усуллари ишлаб чиқилди, бир қанча ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришга доир янги ечимлар топилди, экономиканы ривожлантириш истиқболлари тақозо этаётган кўпгина бошқа вазифаларни ҳал этишда ҳам муайян муваффақиятларга эришилди.

Математикларимизнинг математика-статистика, эҳтимоллик назарияси, об-ҳавони олдиндан айтишнинг математик методлари соҳасидаги тадқиқотларини ҳамма эътироф қилди. Физиканинг ядро, радиация физикаси, космик нурлар физикаси, қаттиқ жисмлар физикаси сингари муҳим соҳаларида ва бошқа бир қанча жуда муҳим проблемалар соҳасида катта тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Химик олимлар кўпгина қимматли ишларни бажариб беришди. Уларнинг тадқиқотлари халқ хўжалигини ва, жумладан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш учун бениҳоя муҳим аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалигини химиялаш, интенсивлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, медицинани ривожлантириш соҳасидаги биохимик ва биофизик тадқиқотлар биология фанлари комплексида анчагина ривож топди.

Олимларимиз пахтачиликни ривожлантириш учун кўпгина иш қилдилар. Пахта териш машиналарининг бутун бир комплекси ва бошқа кўпгина замонавий машина-механизмлар яратиб берилди, пахтанинг янги серҳосил навлари, улар орасида Тошкент навлари етиштирилди, ўғитларнинг янги турларини ҳосил қилишнинг назарий асослари ва бу турдаги ўғитларни ишлаб чиқариш технологияси тадқиқ қилинди.

Бизнинг геологларимиз ўтказган катта-катта тадқиқот ишлари газ, нефть, сочма элементлар бир қанча конларини аниқлашга ҳамда олтин, рангли ва нодир металлар конларини очишга ёрдам берди.

Халқимиз, совет давлатимиз ҳаётида бениҳоя муҳим роль ўйнайдиган ижтимоий фанлар соҳасида кўп иш қилинди. Марксизм-ленинизм — социалистик жамият ривожига раҳбарлик қилишнинг негизи, дунёни билиш ва революцион тарзда ўзгартиришнинг қудратли қуролидир.

Тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг натижаларини халқ хўжалигига жорий қилиш фанлар академияси ишининг ўзига хос хусусиятидир. Тўққизинчи беш йиллик даврининг ўзидаёқ академиянинг илмий муассасалари катта иқтисодий ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга катта таъсир ўтказган 450 та монография ва илмий асар тайёрлаб, нашр этди. Шу ишларнинг қўпгина натижалари СССР Фанлар академиясининг энг муҳим ютуқлари рўйхатига киритилди.

Илмий кадрлар мислсиз ўсиб улғайганлиги бизнинг катта ғалабамиздир. Ҳозир республикада салкам 30 минг илмий-педагог ходимлар илҳом билан меҳнат қилмоқдалар, улар орасида 728 фан доктори ва 10 мингга яқин фан кандидати бор.

Совет олими ўз социалистик ватанининг оташин ватанпарвари, партиянинг чексиз содиқ қурашчисидир. Совет фанининг барча арбоблари каби бизнинг олимларимиз ҳам пролетар интернационализми принципларига амал қилиб, қардош социалистик мамлакатларнинг олимлари билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантирмоқдалар, жаҳон социализм системасининг қудратини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қўмаклашмоқдалар. Республика олимлари жаҳон майдонида ватанимиз фанининг муносиб вакиллари бўлмоқдалар.

КПСС XXIV съезди совет олимларига янги кенг истиқболлар очиб берди. Съезд олимларимизнинг ютуқларини юқсак баҳолаб, илм фанни янада ривожлантириш, фан-техника революцияси ютуқларини социалистик тузум афзалликлари билан қўшиш ҳозирги босқичда коммунизмни муваффақиятли равишда қурилишнинг жуда муҳим шарти эканлигини таъкидлади.

Республика фанлар академияси, унинг илмий муассасалари, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданиятни ҳар томонлама юксалтириш, ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантириш ва социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш соҳасидаги илмий тадқиқотларни янада кенг миқёсда ривожлантиришлари лозим.

Илмий тадқиқот ишини кенг жабҳа бўйлаб ривожлантириш билан бирга фаннинг коммунистик қурилиш практикаси билан боғланишини тинимсиз мустаҳкамлаш, фан ютуқларидан халқ хўжалигида фойдаланишни жадаллаштириш керак. Институтлар, лабораторялар фаолиятининг самарадорлигини ҳар тарафлама ошириш, ҳар бир илмий коллективда чинакам ижодий вазиятни, олимларнинг самарали мунозара ўтказиш, ўзаро талабчанлик муҳитини вужудга келтиришга интилиш зарур.

Ишни шундай ташкил этиш керакки, барча олимларимиз бундан буён ҳам ишга ижодий қарайдиган бўлсинлар, илмий принципиаллик кўрсатсинлар, халқ олдидаги бурчлари ва масъулиятларини чуқур тушунсинлар, совет олими деган юксак номни шараф билан муносиб равишда оқласинлар.

Совет халқи жуда катта сиёсий воқеа — Ленин партиясининг XXV съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари мусобақадошларининг олдинги сафларида бормоқдалар. Республика саноат корхоналарининг коллективлари саноат маҳсулоти умумий ҳажмини кўпайтириш юзасидан белгиланган беш йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Капитал қурилиш кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Республика деҳқончилик ва чорвачилигининг деярли ҳамма маҳсулотларини етиштириш юзасидан белгиланган беш йиллик планни муваффақиятли бажариб бўлди, пахта етиштириш юзасидан белгиланган беш йиллик планни бажариш арафасида турибди.

Механизациянинг жорий қилиниши, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги олижаноб ишга ўз меҳнатлари билан ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистон Фанлар академияси Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида таъсис этилди. Бу иш Коммунистик партиянинг донолигини. марксизм-ленинизмнинг тантанасига, совет халқининг ғалабасига чуқур эътиқоди ва ишончини яна бир карра тасдиқлади. Ўша пайдан бери академия ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан ўсди.

Бизнинг академиямиз ўз қучоғида вужудга келиб, илмий камолотга эришган республикадаги қўпгина илмий-тадқиқот институтларининг мураббийси бўлди. Химия ва пахта целлюлозаси технологияси, гидрогеология ва инженерлик геологияси, нефть химияси, геология хамда нефть ва газ конларини қидириш, санъатшунослик, тупроқшунослик институтлари ва бошқа институтлар шу жумлага киради. Улар мамлакат экономикаси ва маданиятига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Академия илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари учун кадрлар тайёрлаш соҳасида катта иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг экономика ва маданиятнинг ҳамма тармоқларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишга интилиб келди ва интилмоқда. Бу эса ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга, коммунизм бинокори бўлган совет кишисининг маънавий ўсишига ёрдам берди. Республиканинг табиий бойликлари олимларнинг жуда актив иштирокида ўрганилди, фойдали қазилмаларнинг катта-катта конлари очилди, индустриянинг кўпгина тармоқларига асос солинди. Олимларнинг жуда актив иштирокида ерларни суғориш ва ҳосилдорлигини оширишнинг улуғвор планлари рўёбга чиқарилди, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтиришда жуда катта муваффақиятларга эришилди.

Ўзбекистон олимлари назария ва практиканинг энг актуал вазифаларини ҳал этишга интилиб, фан билан ишлаб чиқаришнинг бирлиги принципига амал қилиб, математика, физика, химия, биологиянинг энг янги ютуқларини халқ хўжалигининг турли тармоқларига жорий этиш ишига катта ҳисса қўшдилар. Чунончи, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг кибернетика фани муваффақиятларига таянувчи замонавий методлари тобора кенг оммалашмоқда. Бир қанча илмий муассасалар Ўзбекистон пойтахтини қайта тиклаш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни, жумладан, сейсмик зоналардаги қурилишнинг самарали методларини яратиш вазифасини ҳал этиб берди. Пахтанинг тезпишар, серҳосил, вилтга чидамли навлари, шу жумладан, сийрак экинларни етиштирадиган машиналарнинг системалари яратилди.

Олимларнинг гуманитар, ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқотлари ривожлантиришдаги муваффақиятлари жуда катта аҳамиятга эгадир, чунки бу фанлар партиянинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасидаги идеологик иши бутун системасида Коммунистик партиянга бебаҳо ёрдам бериши лозим.

Экономистлар табиий ва техникавий фанлар олимлари иштирокида республиканинг партия ва давлат органларига катта ёрдам бердилар — республика ишлаб чиқарувчи кучларини яқин орадаги беш йилликларга ва анча олис истиқболга мўлжалланган ривожлантириш ва жойлаштириш илмий асосларини ишлаб чиқдилар.

Шуни яна бир карра таъкидлаб ўтиш лозимки, бизнинг академиямизнинг ҳамма ишлари ССР Иттифоқи академияси, қардош республикаларнинг фанлар академиялари билан мустаҳкам ҳамжиҳатликда ва уларнинг ёрдамида олиб борилмоқда.

Республика Фанлар академияси табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида салмоқли тадқиқотлар ўтказиш бобида катта ишларни амалга ошириши лозим. Академиянинг перспектив иш плани шу асосда ишлаб чиқилган. Шу планда, жумладан, республиканинг мамлакатимизда коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтиришга қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш қонуниятлари ва имкониятларини янада чуқур ўрганиш кўзда тутилган. Илмий-техника тараққиёти халқ хўжалиги территориал — тармоқ тузилишини такомиллаштириш ва халқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг энг муҳим проблемалари ишлаб чиқилади.

Барча илмий тадқиқотлар республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг юксак даражасига эришишга ёрдам беради, бу эса халқ моддий фаровонлиги ва маданияти даражасини янада оширишни таъминлайди.

Ўзбекистон олимлари республиканинг барча меҳнаткашлари билан биргаликда жонажон Коммунистик партиямизнинг XXV съездини янги ижодий муваффақиятлар билан кутиб олишга, социалистик Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга ва ўзларининг қаҳрамон совет халқи олдидаги бурчларини бажаришга азмкарор берганлар.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Ю. А. Овчинниковга сўз берилади.

— СССР Фанлар академиясининг президиуми,— деди у,— Ўзбекистон олимларини ва республиканинг барча меҳнаткашларини илм-фан тараққиёти ва мамлакатимиз халқ хўжалигининг ривожланишига қўшган катта ҳиссаларини партия ва ҳукумат юксак баҳолагандиги — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Халқлар дўстлиги орденига сазовор бўлганлиги билан самимий табриклайди.

Бизнинг Ватанимиз ҳозир тарихий воқеа — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди арафасида яшамоқда. Бу съезд мамлакатимизда коммунизм қурилишининг янги улкан вазифаларини белгилаб беради.

Ҳозир бутун халқимиз жуда катта ижодий юксалиш вазиятида меҳнат қилмоқда. Бу вақт совет олимлари учун ҳам шонли бир даврдир. Улар бутун мамлакат ва прогрессив инсоният билан бирга ўзларининг катта байрами — Совет Иттифоқи Фанлар академиясининг 250 йиллигини нишонламоқдалар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Фанлар академиясининг фаолиятида янги босқич очди. Илм-фанга бўлган муносабат тўбдан ўзгарди — унга энг муҳим давлат иши деб қараладиган бўлди. В. И. Ленин актив қатнашгани ҳолда ишлаб чиқилган принциплар илм-фанни ташкил этиш негизига қўйилди. Ленининг ғоялари Фанлар академиясининг тараққиётига белгиловчи таъсир кўрсатди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Фанлар академияси жаҳондаги катта илмий марказга айланди. Фанлар академияси коммунистик қурилишнинг ҳамма босқичларида халқ хўжалиги ва маданият тараққиётига, мамлакатнинг техникавий тараққиётига, унинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамланишига актив ёрдам берди.

Коммунистик партия ва Совет давлати ленинча миллий сиёсатга амал қилиб ҳамма совет республикаларида илм-фан тараққиётини таъминладилар. СССР Фанлар академиясининг актив ёрдами билан иттифоқдош республикаларда фанлар академиялари барпо этилди. Энди бу академияларнинг юқори малакали илмий кадрлари, зарур моддий техника базаси бор ва улар ҳозирги замон фанининг турли соҳаларида фундаментал ва тадбиқий тадқиқотлар олиб бораяптилар. Миллий академиялар халқ хўжалигининг ривожланишига ва ҳар бир иттифоқдош республика маданиятининг ривожланишига ва умуман бутун мамлакат тараққиётига катта ҳисса қўшаяпти. Қардош халқлар ягона оиласида совет олимларининг аҳил бўлиб ишлаётганликлари совет фани ажойиб муваффақиятларга эришганлигининг негизидир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси миллий академиялар орасида қақиқатан энг кўзга кўринган ўринлардан бирини эгаллаб туради. Совет Ўзбекистони илм-фанининг илдизи чуқур, илмий табиий негизи катта. Ўзбекистон илм-фанининг ўтмишдаги атоқли мутафаккирлар асарларида замин қўйилган анъаналарни бутун халқимизнинг ифтихори хисобланади. Қадимий замоннинг машҳур мутафаккирлари Беруний, Форобий, Хоразмий, Абу Али Ибн Сино, Навоий, Улуғбекнинг номлари жаҳон тарихида намисоли ёркин юлдузлар сингари порлаб турибди. Уларнинг асарлари ва фикрлари Ўзбек халқининг ёркин ва бой маданияти ҳамда фани учун негиз бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ютуқлари мамлакатимизда ва чет элларда яхши маълум.

Ҳозир Ўзбекистонда илм-фан ўзига хос йўлдан ривожланмоқда. Илм-фанда хилма-хил йўналишлар шу қадар кўпайиб кетдики, ҳар йили шу қадар кўп янги соҳалар ва фанлар вужудга келиб турадики, муваффақиятларга эришмоқ учун энг муҳим йўналишларни танлаб олмоқ, фан ва техника соҳаларининг бирон регионни учун энг узвий тараққиётини таъминлаш зарур бўлади. Ўзбекистон олимлари ҳам ҳозирги замон илм-фанида ўзларининг оригинал йўналишини топа билдилар, бу фаннинг йўналишини тўғри танлай олдилар. Шундай қилиб, танланган йўл умумиттифоқ ва халқаро миқёсда эътиборга сазовор бўлди.

Республиканинг бой ер ости бойликлари кимё фани ва саноатининг турли соҳаларини ривожлантиришга омил бўлаяпти. Республикадаги асосий қишлоқ хўжалик экини — ғўза биологияси ва кимёси соҳасидаги ишлар янги қимматли пахта навлари яратилиши, бир қанча амалий қимматбаҳо модда ва препаратлар олиниши билан нишонланди. Ҳолбуки, жаҳоннинг бирон пахтакор мамлакатида бунга эришиб бўлмаганди. Пахтадан мисли кўрилмаган ҳосил олаётган Совет Ўзбекистони халқи бутун мамлакатимизнинг ҳурмат эҳтиромига ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Ўзбекистоннинг ҳилма-хил шифобахш хусусиятлари жиҳатидан бебаҳо ўсимликлари мамлакатимизда ўсимлик моддалари кимёси ва алкалоидлар катта мактаби яратилиши учун замин бўлди. Биология ва кимё турли соҳаларида эришилган муваффақиятлар Ўзбекистонда замонавий биоорганик кимё фанини вужудга келтирди.

Ўзбекистоннинг тог дарёлари ва иссиқ қуёшш энергетика ва физиканинг тегишли соҳалари ривожланишига негиз бўлди. Лекин табиат нечоғлик бой ва ғўзал, одамга нечоғлик саховат билан эҳсонлар тайёрлаб бермасин, у ҳеч қачон тараққиёт ва равнақ келтирувчи куч бўла олмайди, чунки ҳамма нарсанинг заминида инсоннинг порлоқ онги ва илҳомбахш меҳнати ётади. Менимча ҳозирги Ўзбекистон инсон табиатининг ноз-неъматларидан қанчалик тўғри фойдаланаётганлигига, табиатни қадамба-қадам инсон хизматига қўйиб уни яратувчилик ижодиёти ва қаҳрамонона меҳнати билан бойитиб бораётганлигига ажойиб бир мисол бўла олади. Ўзбекистоннинг шонли халқи, меҳнаткаш халқи тараққиётни ҳаракатга келтирувчи қудратли куч, республиканинг бўлажак муваффақиятларига пишиқ пухта кафолатдир.

Ленинизмнинг порлоқ идеаллари учун биргалашиб олиб борган қурашимиз ва биргалашиб тўккан қонимиз улуғ дўстлик рамзидир. Дўстлигимиз — мамлакатимиз олимларининг республика барпо бўлишининг дастлабки йилларида илм-фанни юксалтириш борасида биргалашиб олиб борган ишлари билан, ўрта Осиёда биринчи Ленин номли университет билан ифодаланади. Бугунги кундаги дўстлигимиз меҳнаткашларимиз ва олимларимизнинг ёнма-ён туриб ишлашлари билан ифодаланади. Бу дўстлик янги Тошкентни қуришда ҳам ўз ифодасини топди. Бу ерда кўп миллатли Ватанимизнинг ҳар бир халқи ўзининг қардошлик тошини қўйди. Шунингдек бу дўстлик ҳар бир жабҳада бош чиқариб умумий мақсад — коммунизм сари собит қадам билан бораётганлигимизда ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон илм-фанининг ушбу юксак аҳамиятини айтилаётган муваффақиятлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукуматининг зўр диққат ва эътибор билан қараб келганликлари натижаси эканлигини бугун мен алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери С. И. Ивановага сўз берилади. У тошкентлик авиасозлар кўп минг кишилик коллективи номидан олимларни Ватанининг юксак мукофоти билан самимий табриклади.

— Биз Фанлар академиясининг олимлари коммунизм моддий-техника базасини яратишга, халқ маданиятини оширишга, партия ва ҳукуматимиз қарорларини бажаришга қўшаётган ҳиссаларидан фахрланамиз, — дейди С. И. Иванова. — Совет Иттифоқининг нишчилар синфи илмий ижодиёт самараларини яққол сезиб турибди. Ҳозирги замон фани социалистик жамиятда бевосита ишлаб чиқариш кучи бўлиб қолганлиги бизга яхши маълум. Биз буни Ўзбекистон ССРда самолётсозлик-нинг ривожланиши мисолида кўрамиз. Бунда республика олимлари меҳнатининг ҳиссаси борлиги шубҳасиз. Бизнинг кўп минг кишилик коллективимиз республика Фанлар академияси билан, унинг илмий-тадқиқот институтлари — ядро физикаси, кибернетика, электроника, экономика институтлари, шунингдек фалсафа ва ҳуқуқ институти, тарих институти ва бошқа илмий муассасалари билан чамбарчас боғланган. Азиз ўртоқлар, шонли олимларимиз, замонавий мураккаб техникани ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этишда, коллективни тарбиялашда кўрсатаётган доимий ёрдамларингиз учун самимий миннатдорчилигимизни изҳор этишимга рухсат берғайсиз. Академия олимларининг амалий маслаҳатлар, тавсиялар, яхши ва қимматли таклифлар тарзида бераётган шу кўмакларини биз юксак даражада қадрлаймиз. Сизларга катта ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Тўрткўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозининг механизатори, СССР Олий Совети депутати С. А. Жуманиёзов Фанлар академиясининг коллективини Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг меҳнаткашлари номидан табриклади.

— Мен, — деди нотиқ, — Ўзбекистонда ва бизнинг Автоном Республикамизда илм-фанни ривож топтириш тўғрисида катта гамхўрлик қилаётганликлари учун жонажон партиямиз ва Совет ҳукуматимизга, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, пахтакорларнинг катта ва азиз дўсти шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежневга шу минбардан туриб чуқур миннатдорчилик

„ЗАНГОРИ ЭКРАНДА"

Тошкент телевидение студиясининг бир ҳафталик программаси

29 СЕНТЯБРЬ — ДУШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Мўъжизаснамўъжизалар». 11.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 «Братск сабоқлари». Ҳужжатли фильм. 15.20 «Биринчи матбаачи Иван Федоров». 15.45 «Онамларнинг мактаби». 16.15 Л. Пантилеев. «Шкид республикаси». 16.45 «Шонрнинг тақдири». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.35 «Советский воин». Тележурнал. 19.10 «Ахборот» информацион программаси. **Москва кўрсатади.** 19.25 КПСС XXV съезди шарафига. «Иркутск области меҳнаткашлари мусобақалашмоқдалар». 20.10 «Бу ҳаммага тоалуқли». 20.55 Янгиликлар (тожикча). 21.15 «Давлат автоинспекцияси хабар қиладн...». 21.20 Ҳужжатли фильм. 21.30 «Чашма». Халқ ижоди кечаси.

30 СЕНТЯБРЬ — СЕШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Эртак кетидан эртак». Мультфильм. 10.45 «Интизорлик». Телевизион спектакль. (А. Н. Куприн ҳикоялари асосида). 15.00 Социалистик мамлакатлар телевидениелари ҳужжатли фильмлари программаси. 15.50 «Ина табиат онаи таништамиз». 16.15 «Коммунистлар олға». А. Мекиров шеърлари. 16.55 Халқаро конкурсларнинг лауреати А. Скворонский чалади. 17.30 «Рус ёзувчилари ва тадқиқотчилари». Дуне бўлаб биринчи саёҳат. **Тошкент кўрсатади.** 18.00 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 18.05 «Доим тайёр!». (Ўзбекча). 18.35 «Чехословакия кўғирчоқлари. Кўғирчоқ фильм. **Рус тилида:** 18.45 «Наятимизни планлаштириш проблемалари». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Тошкент —Олмаота мусобақалашмоқда». **Узбек тилида:** 20.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». «Практикага аъло баҳо». 20.30 Ун минут музика. 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 «Пахтакорлар учун концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Кисқа метражли ва телевизион фильмлар IV Республика фестивали кўригининг якунлари» (Ўзбекча). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.00 «Отаоларимиз шон-шуҳрати йўлларидан». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қўёш акси бор». 19.30 СССР халқ артисти А. Соловьяненко куйлайди. 19.45 «Она — ҳақида сўз». Телеочерк. 20.15 «Қадрдон оҳанглар». 20.45 «Лев Гурич Синичкин». Телевизион бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Адресимиз — Совет Иттифоқи». 23.30 Спорт кундалиги. 24.00 Янгиликлар.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 «Билим» телевизион мактаби. 19.10 Янгиликлар (русча). 19.25 Москва КПСС XXV съезди шарафига. «Иркутск области меҳнаткашлари мусобақалашмоқдалар». 20.10 «Бу ҳаммага тоалуқли». 20.55 Янгиликлар (тожикча). 21.15 «Давлат автоинспекцияси хабар қиладн...». 21.20 Ҳужжатли фильм. 21.30 «Чашма». Халқ ижоди кечаси.

1 ОКТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Ёрдамчи». Телевизион бадиий фильм. 12.15 Классик куйлардан концерт. 15.05 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 15.40 «Қондратий Рилеев». 16.35 «Фан оламида». 17.05 Болалар учун. «Яшил патруль». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 18.15 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 18.20 «Калейдоскоп» (русча). 18.50 Мультфильм. **Рус тилида:** 19.05 «Ўзбекистон ВАМ қурилишига». Учинчи кўрсатув. 19.35 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида:** 19.50 «Халқаро хотин-қизлар йили». «Иқбол» программаси. «Хотин-қизлар, сизлар учун». 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 КПСС XXV съездига меҳнат рапортлари. Экранда — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузур техника таълими Давлат комитети. 21.00 «Пахта йиғим-терими илгорларига тенглашинг». 21.15 Социалистик мусобақа илгорлари учун концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 Футбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги учун. «Динамо» (К) — «Олимпиакос» (Пирей). Киевдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Спортлото» тиражи .24.00 «Вақт» информацион программаси. 00.30 Халқаро Музика кунига бағишланган концерт. Консерваториянинг катта залидан олиб кўрсатилади. 01.30 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Гидролиз ва электролиз». Химиядан ўқув кўрсатуви (ўзбекча). **Рус тилида:** 12.00 «Икки томонлама йўл». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «Гидролиз ва электролиз». Химиядан ўқув кўрсатуви. **Москва кўрсатади.** 18.15 «Горичлар, қаердасиз?». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Рақсга тушиб қўшиқ куйлаймиз». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 М. Горький номли Тошкент Академик Рус драма театри артистларининг кечаси. 21.10 «Чолғучилар куй ҳақида». **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Тошкент» телепрограммаси. «Беш йиллик маршрутлари бўйлаб (русча). 22.20 «Икки дил достони». Бадиий фильм (ўзбекча). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 20.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 20.05 Совет давлат ва ҳуқуқ асослари. «Совет давлат ҳуқуқи». Ўқув кўрсатуви. 20.35 «Балет сюитаси». Фильм-концерт. 21.15 Совет давлат ва ҳуқуқ асослари. «Совет давлат ҳуқуқи». Ўқув кўрсатуви (ўзбекча). 21.45 Тошкент янгиликлари. 22.00 А. П. Чехов. «Катта йўлда». Телеспектакль.

2 ОКТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Горичлар, қаердасиз?». 11.15 «Катта симфоник оркестр билан бир соат». 14.55 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 15.30 «Биз табиат билан таништамиз». 15.55 «Киссалар». 16.30 «Касблар ҳақида ҳикоялар». «Балиқчилик флотининг матроси». 17.00 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. 17.30 «Москва ва москвaликлар». 18.00 «Сўз — олимларга». **Тошкент кўрсатади.** 18.15 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 18.20 «Қизғанчиқ Қизи». Кўғирчоқ фильм. 18.30 «Ёзувчилар — болаларга». Ҳ. Назир (ўзбекча). **Рус тилида:** 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Иқтисодий билимлар клуби». **Москва кўрсатади.** 19.55 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик мусобақа ва меҳнат самарадорлиги». **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 20.25 Социалистик реализм масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ конференциясининг якунларига оид адабий кўрсатув. 20.55 «Ахборот» информацион программаси. 21.15 «Пахтазор— Мардлар майдони». Тошкент область Қўйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозидан репортаж. 21.35 Концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари театрларининг телевизион фестивали. Наманган область Навоий номли музикали драма ва комедия театрининг ижодий йўли (ўзбекча). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 11.30 «Тор болалари». «Кичик талантлар». Фильм-концертлар (русча). 12.00 «Хаёлпарастлар». Бадиий фильм (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 18.15 «Қувноқ стартлар». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Топишмоқлар ва жаволар». 19.30 «Аккорд» квартети куйлайди. **Тошкент кўрсатади.** 19.55 «Здоровье» телевизион журнали (русча). **Москва кўрсатади.** 20.25 «Опера билан таништув». П. И. Чайковский. «Пиковая дама». П. И. Чайковский номли Новосибирск Давлат Академик опера ва балет театрининг спектакли. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 22.30 П. И. Чайковский. «Пиковая дама» операсининг давоми. 00.35 Янгиликлар.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 «Қозогистон — менинг республикам». Ҳужжатли фильм (ўзбекча). **Рус тилида:** 21.05 «Севги қўшиқлари». Фильм-концерт. 21.45 Тошкент янгиликлари. 22.00 «Паролнинг ҳожати йўқ». Бадиий фильм. 1-серия.

3 ОКТЯБРЬ — ЖУМА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Опера билан таништув». П. И. Чайковский. «Пиковая дама». П. И. Чайковский номли Новосибирск Давлат Академик опера ва балет театрининг спектакли. 15.05 Телевизион ҳужжатли фильм. 15.20 «Рус тили». 16.05 Совет қонунчилиги асослари «Совет, оила ҳуқуқи». 16.35 Болалар учун «Анютанинг йўли». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 18.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.05 Мультфильм. 18.15 «Есенин ҳақида ҳотиралар». Тугилган кунининг 80 йиллиги муносабати билан. 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сирдарё областининг ёш пахтакорлари билан уч учрашув». 1-кўрсатув (ўзбекча). 19.20 «Ахборот» информацион программаси. 19.35 «Беш йиллик зарбдорлари». **Узбек тилида:** 19.45 Ўқитувчилар кунига. «Устозлар». 20.20 Ёзувчилар пахта далаларида. 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 21.20 Пахтакорлар учун концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (М) — МАСК. В. И. Ленин номли Марказий стадион Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 00.45 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Дубровский ва Троекуров». (А. С. Пушкиннинг «Дубровский» повести асосида). Рус адабиётидан ўқув кўрсатуви. (русча). 12.00 Ўқувчилар учун. «Светофор». (Ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 18.00 «Асл йигитлар». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Масҳарабоз Ро ва унинг Кокилақбли кучуги». Мультфильм. 19.30 «Рассом М. Чюрленис». Тугилган кунининг 100 йиллигига атаб. 20.00 Р. Щедрин. «Анна Каренина». «Романтик музика». 20.40 «Яна тонг отди». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Жанговар постда». (русча). 22.30 «Биринчи курьер». Бадиий фильм (ўзбекча). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 «Тошкент» телепрограммаси. «Съезд олди вахтасида» (ўзбекча). **Рус тилида:** 20.40 «Музикали сайр». Фильм-концерт. 21.30 Тошкент янгиликлари. 21.45 «Паролнинг ҳожати йўқ» Бадиий фильм. 2-серия.

4 ОКТЯБРЬ — ШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «АБВГДейка». 11.00 Ота-оналар, сизлар учун. 11.30 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.00 «Купдан сифатли товарлар етказиб берайлик». 12.30 «Украина санъат усталари». Украина ССРда хизмат кўрсатган артист В. Сечкин, Киевдан олиб кўрсатилади. 13.15 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 13.45 «Поэзия» Л. Мартинов. 14.10 «1975 йил қўшиқлари». 14.30 «Метрополитен» музейидан, 100 та расм». Виставкадан репортаж. 3-кўрсатув. 15.00 «Музикали календарь». **Тошкент кўрсатади.** 15.45 Кўрсатувлар программаси. 15.50 Болалар учун «Камалак» программаси. «Юлдузча» (ўзбекча). 16.20 «Халқаро хотин-қизлар йили» «Иқбол» программаси. «Дугоналар» (русча). **Москва кўрсатади.** 17.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «КРИЛЬЯ СОВЕТОВ» — «СПАРТАК». В. И. Ленин номли Марказий стадион Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар. **Тошкент кўрсатади.** 19.20 «Ахборот» информацион программаси. (русча). **Узбек тилида:** 19.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сирдарё области ёш пахтакорлари билан уч учрашув». 2-кўрсатув. 19.55 Ён минут музика. 20.05 «Ъетнам этюдлари». Адабий кўрсатув. 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари театрларининг телевизион фестивали. К. Яшин, Т. Содиқов. «Гулсара». Наманган область Навоий номли музикали драма ва комедия театрининг спектакли. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Гулсара» спектаклининг давоми. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телефильм. **Узбек тилида:** 10.20 Телевизион миниатюралар театри. 11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим». 11.30 Ота-оналар, сизлар учун. 12.00 СССР халқларининг куйлари. Сиртдан ўқийдиган студентлар учун. 12.45 Назарий механика. 13.45 Олий математика. **Москва кўрсатади.** 15.45 «Гилдиракли уйча». Мультфильм. 16.15 «Россиянинг асосий кўчаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 5-серия. «Ҳўл ва тақдирлар». **Тошкент кўрсатади.** Болалар учун «Камалак» программаси. 17.00 «Ўйлаб топ?» (русча). **Узбек тилида:** 17.30 «Ассалом, ўқитувчи». Адабий-музикали композиция. 18.00 «Бензоколонка маликаси». Бадиий фильм. **Москва кўрсатади.** 19.20 «Ҳайвонот оламида». 20.20 «Аслида ёмон одам эмас». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Азимут». Ўлкашунослик клуби (русча). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Оперетта ишқибозлари учун». 23.30 «Рақс зали». 24.00 Янгиликлар.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 19.15 Кўрсатувлар программаси. 19.20 «Пионер» студияси кўрсатади. 19.50 Янгиликлар. (русча). 20.05 «Партия ташкилоти ва социалистик мусобақа». 20.35 Ҳужжатли фильм. 20.45 Янгиликлар (тожикча). 21.05 Концерт (тожикча). 22.00 Душанба кўрсатувларининг охири.

5 ОКТЯБРЬ — ЯКШАНБА

УҚИТУВЧИЛАР КУНИ

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Зарядкага сафланинг!», 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 Телевизион спектакль премьераси. «Қайта адрес». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 13.00 «Музикали киоск». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 Адабий асарларни экранлаштириш. «Биринчи ўқитувчи». Бадиий фильм. 16.05 «СССР Фанлар Академиясининг 250 йиллиги». 16.35 Москва ҳор билим юрти болалар хорининг концерти. 17.15 Халқаро панорама. 17.45 «Сизга, бизнинг устозларимиз». Музикали программа. **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.35 Кичкинтойлар учун. «Малишок» программаси. 19.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сирдарё областининг ёш пахтакорлари билан уч учрашув». 3-кўрсатув (ўзбекча). 19.25 «Ахборот» информацион программаси. 19.40 «Партком ва социалистик мусобақа». **Узбек тилида:** 20.10 «Шеърият муҳлисларига». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 КПСС XXV съездига меҳнат рапортлари. Экранда — «Главредазирсовхозстрой». 21.20 Телевизион миниатюралар театри. **Москва кўрсатади.** 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «ТОРПЕДО» (М) — «Зенит». 2-тайм. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.45 «Пахта усталари минбари». 23.00 Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари театрларининг телевизион фестивали. Наманган область Навоий номли музикали драма ва комедия театри артистларининг концерти. **Москва кўрсатади.** 24.00 «Вақт» информацион программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телефильм. **Узбек тилида:** 10.20 Телевизион миниатюралар театри. 11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим». 11.30 Ота-оналар, сизлар учун. 12.00 СССР халқларининг куйлари. Сиртдан ўқийдиган студентлар учун. 12.45 Назарий механика. 13.45 Олий математика. **Москва кўрсатади.** 15.45 «Гилдиракли уйча». Мультфильм. 16.15 «Россиянинг асосий кўчаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 5-серия. «Ҳўл ва тақдирлар». **Тошкент кўрсатади.** Болалар учун «Камалак» программаси. 17.00 «Ўйлаб топ?» (русча). **Узбек тилида:** 17.30 «Ассалом, ўқитувчи». Адабий-музикали композиция. 18.00 «Бензоколонка маликаси». Бадиий фильм. **Москва кўрсатади.** 19.20 «Ҳайвонот оламида». 20.20 «Аслида ёмон одам эмас». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Азимут». Ўлкашунослик клуби (русча). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Оперетта ишқибозлари учун». 23.30 «Рақс зали». 24.00 Янгиликлар.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 19.15 Кўрсатувлар программаси. 19.20 «Пионер» студияси кўрсатади. 19.50 Янгиликлар. (русча). 20.05 «Партия ташкилоти ва социалистик мусобақа». 20.35 Ҳужжатли фильм. 20.45 Янгиликлар (тожикча). 21.05 Концерт (тожикча). 22.00 Душанба кўрсатувларининг охири.

5 ОКТЯБРЬ — ЯКШАНБА

УҚИТУВЧИЛАР КУНИ

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Зарядкага сафланинг!», 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 Телевизион спектакль премьераси. «Қайта адрес». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 13.00 «Музикали киоск». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 Адабий асарларни экранлаштириш. «Биринчи ўқитувчи». Бадиий фильм. 16.05 «СССР Фанлар Академиясининг 250 йиллиги». 16.35 Москва ҳор билим юрти болалар хорининг концерти. 17.15 Халқаро панорама. 17.45 «Сизга, бизнинг устозларимиз». Музикали программа. **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.35 Кичкинтойлар учун. «Малишок» программаси. 19.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сирдарё областининг ёш пахтакорлари билан уч учрашув». 3-кўрсатув (ўзбекча). 19.25 «Ахборот» информацион программаси. 19.40 «Партком ва социалистик мусобақа». **Узбек тилида:** 20.10 «Шеърият муҳлисларига». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 КПСС XXV съездига меҳнат рапортлари. Экранда — «Главредазирсовхозстрой». 21.20 Телевизион миниатюралар театри. **Москва кўрсатади.** 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «ТОРПЕДО» (М) — «Зенит». 2-тайм. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.45 «Пахта усталари минбари». 23.00 Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари театрларининг телевизион фестивали. Наманган область Навоий номли музикали драма ва комедия театри артистларининг концерти. **Москва кўрсатади.** 24.00 «Вақт» информацион программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телефильм. **Узбек тилида:** 10.20 Телевизион миниатюралар театри. 11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим». 11.30 Ота-оналар, сизлар учун. 12.00 СССР халқларининг куйлари. Сиртдан ўқийдиган студентлар учун. 12.45 Назарий механика. 13.45 Олий математика. **Москва кўрсатади.** 15.45 «Гилдиракли уйча». Мультфильм. 16.15 «Россиянинг асосий кўчаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 5-серия. «Ҳўл ва тақдирлар». **Тошкент кўрсатади.** Болалар учун «Камалак» программаси. 17.00 «Ўйлаб топ?» (русча). **Узбек тилида:** 17.30 «Ассалом, ўқитувчи». Адабий-музикали композиция. 18.00 «Бензоколонка маликаси». Бадиий фильм. **Москва кўрсатади.** 19.20 «Ҳайвонот оламида». 20.20 «Аслида ёмон одам эмас». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Азимут». Ўлкашунослик клуби (русча). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Оперетта ишқибозлари учун». 23.30 «Рақс зали». 24.00 Янгиликлар.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 19.15 Кўрсатувлар программаси. 19.20 «Пионер» студияси кўрсатади. 19.50 Янгиликлар. (русча). 20.05 «Партия ташкилоти ва социалистик мусобақа». 20.35 Ҳужжатли фильм. 20.45 Янгиликлар (тожикча). 21.05 Концерт (тожикча). 22.00 Душанба кўрсатувларининг охири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ. ДА — 28|IX да **Парвона**, 27|IX да **Йўқолган узук.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26|IX да **Олифта**, 27|IX да **Ўжарлар.**

КИНО

25 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Бобби (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (кечкурун).

Кумуш кўл хазинаси — «ЎЗБЕКИСТОН» (якуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Янги центурионлар — «ФЕСТИВАЛЬ».

Апачлар — «ХИВА».

27 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Бобби (2 серия) — «САНЪАТ САРОЙИ, НАВОИЙ номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «НУКУС» (кундуз ва кечкурун).

Кумуш кўл хазинаси — «ЎЗБЕКИСТОН» (якуфт соатларда).

Париж сирлари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Янги центурионлар — «ФЕСТИВАЛЬ».

Апачлар — «ХИВА».

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАРИГА

Шаҳардаги адресатларга юбориладиган хатларни ўз эгаларига тезлик билан етказиш мақсадида уларни шаҳар алоқа бўлимларига киравериида ўрнатилган қизил рангли, махсус почта қутиларига ташлаш зарурлигини

БИЛДИРАДИ

Шунингдек, канцелярия ва хатлар бўлими ходимлари, ҳамда гражданларга хатлардаги адресда олти рақамли почта индексини кўрсатиш зарурлигини эслатиб ўтамиз.

ПОЧТА ҚУТИЛАРИГА: «ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АДРЕСАТЛАРГА ЮБОРИЛГАН ХАТЛАР УЧУН» ДЕБ ЁЗИБ ҚЎЙИЛГАН.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ.

ТЕЛЕВИЗОР

26 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.20 Кўрсатувлар программаси. 18.25 «Жасур Робин Гуд». Болалар учун мультфильм. 18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари». (Ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 19.15 «Биз БАМни қуряпмиз». **Тошкент кўрсатади.** 19.45 «Ахборот» информацион программаси (русча). **Узбек тилида:** 20.00 «Бўстон» телевизион журнали. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 «Пахтазор —мардлар майдони». 21.35 Пахтакорлар учун концерт. 22.15 «Қалб кечирмайди». Бадиий фильм. **Москва кўрсатади.** 23.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК —«ДИНАМО» (Киев). 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 00.15 «Вақт» информацион программаси.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.20 Бакушаҳар Ю. Гагарин номли пионерлар саройи болалар бадиий ҳаваскорлик студияси қатнашчиларининг концерти. **Тошкент кўрсатади.** 19.15 «Жаҳоннинг машҳур композиторлари». Ференц Лист. 2-кўрсатув. (Ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 19.45 «1975 йил қўшиқлари». 20.10 «Оддий буюмлар ҳақида ҳикоя». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Бенефис». РСФСР да хизмат кўрсатган артист Л. Голубкина иштирок этади.

Учинчи программа. 20.00 дан **Тошкент кўрсатади.**

27 СЕНТЯБРЬ — ШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Бор эканда, йўқ экан». 11.00 «Ота-оналар, сизлар учун». 11.30 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.00 «Бизнинг кўча», «Герцен кўчаси». 13.00 «Она мадҳи». Телевизион очерк. 13.30 «Музикали ҳаёт янгиликлари». 14.15 «Здоровье» программасининг почтасидан. 14.45 «Метрополитен» музейидан 100 та расм». Виставкадан репортаж. 15.15 «Инсон, Ер, Космот». 15.45 Мультфильм. 16.05 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. **Тошкент кўрсатади.** 16.35 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 16.40 Мультфильмлар (русча). 17.05 «Доре-ми-фа-соль». Болалар учун музикали кўрсатув (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 17.45 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК —«Торпедо». 2-3 даврлар, В. И. Ленин номли Марказий стадион Спорт саройидан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 19.15 «Газал кечаси». 19.45 «Ахборот» информацион программаси (русча). 20.00 «Халқаро хотин-қизлар йили». «Иқбол» программаси. «Ёркин ҳаёт». 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 КПСС XXV съезди шарафига. Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областларининг телевизион фестивали. Экранда — Сурхондарё области. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 Сурхондарё области халқ талантларининг концерти (ўзбекча). 23.30 Телевизион ҳужжатли фильм (русча). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Васелкининг ҳикоялари». Болалар учун мультфильм. 10.20 «Экран ҳандаси». (Ўзбекча). 11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. ГТО маршида (русча). **Узбек тилида:** 11.30 «СССР электроэнергетикаси». Географиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 Ўқувчилар учун. «Бўл тайёр!». 12.25 «СССР электроэнергетикаси». Географиядан ўқув кўрсатуви. (русча). 13.00 «Йўлдаги жанг». Бадиий фильм. 1-серия. 14.35 «Қуёшли Ўзбекистон қўшиқлари». Телевизион фильм-концерт. **Москва кўрсатади.** 16.35 Б. Асафьев. «Граф Нулин», фильм-балет. 17.15 «Россиянинг асосий кўчаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 4-серия. **Тошкент кўрсатади.** 17.45 «Пионерча ишлар» (русча). 18.15 «Ёш киноҳаваскорлар клуби» (Ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 19.15 Янгиликлар. 19.30 «Мўъжизаси-мўъжизалар». 20.30 Телевизион миниатюралар театри. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Ҳаракат ҳавфсизлиги учун» (Ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Фанат катталар учун». Мультфильмлар программаси. 23.00 А. Александров номли Қизил Байроқли Совет Армияси ашула ва рақс ансамблининг концерти. 00.15 Янгиликлар.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 Телевизион фильм. 18.35 «Пионер театри». 19.20 Янгиликлар. (русча). 19.30 «Қишлоқ ҳаёти» (тожикча). 20.20 «Бизнинг интервью». Тожикистон ССР Юстиция министри С. Р. Ражабов журналистларнинг саволларига жавоб беради. 20.50 Янгиликлар (тожикча). 21.10 Пахтакорлар учун концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Душанба кўрсатади.** 22.30 «Дилкушо» чойхонаси (тожикча). 23.20 «Ўз хоҳиши билан». Телефильм (русча). 00.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

Тошкент оқшоми 4 бет. 26 СЕНТЯБРЬ, 1975 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Р — 02676. Узбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—4109.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33.02.49 дан 33.02-58 гача. Эълонлар бўлими— 33-81-42.